

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 18-19-сон
ҚОНУНЧИЛИК (1038-1039)
ТЎПЛАМИ 2022 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

170. «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги ЎРҚ-768-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

171. «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон қарори

Бешинчи бўлим

172. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил

- 29 апрелдаги 3/02-22-11-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги 1-сон «Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3125-2*)
173. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 10 майдаги 11-мх-сон «Айрим идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3366*)
174. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 7 майдаги 76-ИЧ-сон «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларда қўшимча ва ёрдамчи функцияларни аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3367*)
175. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 22 апрелдаги 14-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-11*)
176. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 13 майдаги 12-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-9*)
177. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 13 майдаги 13-мх-сон «Профessional медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3092-1*)
178. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2022 йил 13 майдаги 41-сон «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3368)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

170 Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2022 йил 26 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

инсоннинг кўпайишига тааллуқли бўлган аъзолар ва тўқималарнинг (тухум хужайраси, сперма, тухумдонлар, мойяларнинг ёки эмбрионларнинг) трансплантациясига;

аъзолар ва тўқималарнинг аутоген (бир шахснинг ўзи тирик донор ва реципиент бўлади) трансплантациясига;

кон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисидаги қонунчилик

Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бош миянинг ўлими — бош мия барча вазифаларининг тўлиқ ва асл ҳолига қайтмайдиган тарзда тўхташи;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 майда эълон қилинган.

инсон аъзоси — инсон организмида муайян вазифани бажарувчи турли хил хужайралар ва тўқималарнинг алоҳида мажмуи;

инсон тўқимаси — умумий келиб чиқиши, тузилиши ва инсон организмида бажарадиган вазифаларига кўра бирлашган хужайралар ҳамда хужайралараро моддалар мажмуи;

реципиент — ўзига нисбатан инсон аъзосининг ва (ёки) тўқимасининг трансплантацияси бажариладиган инсон;

тирик донор — ўзидан аъзоларнинг ва (ёки) тўқималарнинг трансплантация учун олинишига ихтиёрий равишда, бепул асосда, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилик берган инсон;

трансплантация — реципиентда мавжуд бўлмаган ёхуд шикастланган, ўзининг муҳим ҳаётий вазифаларини бажаришга қодир бўлмаган аъзоларни ва (ёки) тўқималарни тирик донордан ёки инсон мурдасидан олинган аъзоларга ва (ёки) тўқималарга жарроҳлик амалиёти ёки муолажа ўтказиш йўли билан алмаштириш.

4-модда. Трансплантация объектлари

Тирик донордан ёки инсон мурдасидан олинган инсон аъзолари ва (ёки) тўқималари трансплантация объектлари бўлиши мумкин, уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Сунъий равишда етиштирилган аъзолар трансплантация объектлари бўлмайди.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

тегишли органлар ва ташкилотларнинг инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

трансплантация объектлари рўйхатини, шунингдек уларнинг трансплантацияси тартибини белгилайди;

инсон аъзолари ва тўқималарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташиш, уларни сақлаш, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

Донорларнинг, реципиентларнинг, шунингдек инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг ягона давлат реестрини шакллантиради ҳамда юритади;

инсон аъзолари ва тўқималарини олишни ҳамда уларнинг трансплантациясини амалга оширувчи давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббиёт муассасалари фаолиятини назорат қилади, шунингдек уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасида халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Инсон аъзолари ва тўқималарини олишни ҳамда уларнинг трансплантациясини амалга оширувчи тиббиёт муассасалари

Инсон аъзолари ва тўқималарини олиш ҳамда уларнинг трансплантацияси давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббиёт муассасалари томонидан амалга оширилади, ушбу муассасаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2-боб. Инсон аъзолари ва тўқималарини олиш ҳамда уларнинг трансплантацияси шартлари ва тартиби

8-модда. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса

Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса даволовчи шифокор, трансплантолог, анестезиолог, невропатолог, зарурат бўлганда бошқа ихтисосликлардаги шифокорлардан иборат таркибдаги мутахассис-шифокорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгиллаган тартибда берилади.

9-модда. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси шартлари

Тирик донордан ёки инсон мурдасидан аъзоларни ва (ёки) тўқималарни трансплантация қилиш фақат бошқа жарроҳлик амалиётлари ёки муолажалар реципиент ҳаётини сақлаб қолишни ёхуд унинг соғлиғи тикланишини кафолатлай олмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини реципиентларга трансплантация қилиш инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса асосида амалга оширилади.

10-модда. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантациясига реципиентнинг розилиги

Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси реци-

пиентнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Бунда реципиент бўлажак жарроҳлик амалиёти ёки муолажа муносабати билан ўз соғлиги учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида имзо қўйдирилиб огоҳлантирилиши керак. Ушбу жараён мажбурий тартибда видеоёзувга қайд этилади. Агар реципиент ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлса ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса ёхуд реципиентнинг ўзидан розилик олишнинг имкони бўлмаса, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси унинг ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилининг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

11-модда. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини унинг мурдасидан олиш шартлари

Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини унинг мурдасидан олишга унинг тириклик чоғидаги нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилиги мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Инсоннинг мурдасидан олинган аъзолардан ва (ёки) тўқималардан барча муҳтож шахсларга трансплантация қилиш учун фойдаланилиши мумкин.

Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини унинг мурдасидан тегишли розиликсиз олиш қонунга хилофдир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда, инсон бош миясининг ўлимини қайд этиш асосида бериладиган ўлим тўғрисидаги хулоса мавжуд бўлган тақдирда, инсон аъзолари ва (ёки) тўқималари унинг мурдасидан трансплантация учун олиниши мумкин. Инсон бош миясининг ўлимини қайд этишда трансплантологларнинг ҳамда инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишни таъминловчи бригадалар аъзоларининг иштирок этиши тақиқланади.

12-модда. Тирик донордан аъзоларни ва (ёки) тўқималарни олиш шартлари

Тирик донордан аъзоларни ва (ёки) тўқималарни трансплантация учун олиш фақат реципиентнинг соғлиғини кўзлаб ҳамда инсон мурдасида трансплантация учун яроқли бўлган аъзолар ва (ёки) тўқималар мавжуд бўлмаган ёхуд самарадорлиги инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси самарадорлиги билан таққосланиши мумкин бўлган муқобил даволаш усули мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Тирик донорни ундан аъзосини ва (ёки) тўқималарини олиш учун розилик беришга мажбурлаш тақиқланади.

Тирик донордан жуфт аъзоларидан бири ва (ёки) аъзосининг бир қисми, шунингдек тўқимаси ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган талаблар ҳисобга олинган ҳолда трансплантация учун олиниши мумкин.

Тирик донордан аъзоларни ва (ёки) тўқималарни олишга фақат, агар олиш пайтида тиббий хулосага кўра унинг соғлиғига кўриш, нутқ, эшитиш қобилияти йўқолишига ёхуд аъзосининг (бундан инсоннинг трансплантация қилинаётган аъзоси ва (ёки) тўқимаси мустасно) функциялари қисман ёки

тўлиқ йўқолишига, руҳияти бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган тарзда ёки соғлигининг меҳнат қобилияти ўттиз уч фоиздан ортиқ тарзда барқарор йўқолишига олиб келадиган бошқа бузилишига сабаб бўладиган тарзда зиён етказилмаса, йўл қўйилади.

Тирик донордан аъзоларни ва (ёки) тўқималарни реципиентга трансплантация қилиш учун олишга, агар донор:

аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш бўйича бўлажак жарроҳлик амалиёти ёки муолажа муносабати билан ўз соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида камида ўттиз кун олдин ёзма шаклда, видеоёзувга қайд этган ҳолда огоҳлантирилган бўлса;

ўз аъзосини ва (ёки) тўқималарини олишга бўлган розилигини ихтиёрий равишда, бепул асосда, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шаклда билдирган бўлса;

ҳар тарафлама тиббий текширувдан ўтган бўлса ҳамда унинг аъзосини ва (ёки) тўқималарини трансплантация қилиш учун олиш мумкинлиги тўғрисида мутахассис-шифокорларнинг тиббий хулосаси мавжуд бўлса, йўл қўйилади.

Тирик донорни ҳар тарафлама тиббий текширувдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

13-модда. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси вақтида видеотасвирга олиш

Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси вақтида инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишни ҳамда уларнинг трансплантациясини амалга оширувчи тиббиёт муассасаси томонидан видеотасвирга олиш амалга оширилади. Бунда видеоёзувдаги инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси ҳақидаги ахборот ошкор этилишига йўл қўйилмайдиган шифокор сирини ташкил этади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Реципиентни ва донорни соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақидаги огоҳлантиришнинг, шунингдек трансплантация жараёнининг видеоёзуви тиббиёт муассасаси томонидан архивлаштирилади, видеоёзув аслининг дубликати эса сақлаш учун ички ишлар органларига топширилади.

Видеоёзувни амалга ошириш тартиби, шунингдек уни сақлаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

14-модда. Донорликка доир чекловлар

Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишга, агар улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган, трансплантация қилиш учун инсон аъзолари ва тўқималари донорлигига қарши кўрсатма мавжуд бўлган касалликлар рўйхатига кирувчи касаллиги бўлган ёки илгари шундай касалликка чалинган тирик донорга ёки инсон мурдасига тегишли бўлса, йўл қўйилмайди.

Қуйидагиларга нисбатан инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишга йўл қўйилмайди:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга (бундан суяк илигини трансплантация қилиш ҳоллари мустасно);

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга, шунингдек руҳий ҳолатнинг бузилишларига (руҳий касалликларга) чалинган шахсларга;

қамокда ёки озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларга;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;

ҳомиладор аёлларга;

шахси аниқланмаган шахсларга;

муайян яшаш жойи бўлмаган шахсларга;

«Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшовчи шахсларга;

аъзоси ва (ёки) тўқималари илгари трансплантация учун олинган шахсларга.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет давлат фуқароси бўлган реципиент учун донор бўлиши мумкин эмас.

15-модда. Трансплантация қилинадиган инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдисини, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишини тақиқлаш

Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация қилишда жисмоний ҳамда юридик шахсларга инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси тақиқланади.

Трансплантация қилинадиган инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш тақиқланади.

16-модда. Тирик донор ва реципиент тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмаслиги

Тирик донор ва реципиент тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилишига йўл қўйилмайдиган шифокор сирини ташкил этади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

3-боб. Тирик донор ҳамда реципиентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17-модда. Тирик донорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Тирик донор:

ўзидан аъзосини ва (ёки) тўқимасини олиш амалга ошириладиган тиббиёт муассасасидан инсон аъзосини ва (ёки) тўқимасини олиш бўйича бўлажак жарроҳлик амалиёти ёки муолажа муносабати билан ўз соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида тўлиқ ахборот олиш;

жарроҳлик амалиёти ёки муолажа ўтказилишини у бошлангунига қадар рад этиб, рад этиш сабабини асосламаслик;

ўзидан аъзоси ва (ёки) тўқималари олинганлиги билан боғлиқ бўлган, юзага келган асоратлар туфайли давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббиёт муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонунчиликка мувофиқ даволаниш ва кузатувда бўлиш ҳуқуқига эга.

Тирик донор:

ўз бошидан ўтказган ёхуд ўзида мавжуд бўлган касалликлар тўғрисидаги маълумотларни ўзидан аъзосини ва (ёки) тўқимасини олиш амалга ошириладиган тиббиёт муассасасига маълум қилиши;

шифокорларнинг тиббий тавсияларига риоя этиши шарт.

18-модда. Реципиентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Реципиент:

ўзига инсон аъзосини ва (ёки) тўқимасини трансплантация қилиш бўйича бўлажак жарроҳлик амалиёти ёки муолажа муносабати билан ўз соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида аъзонинг ва (ёки) тўқиманинг трансплантацияси амалга ошириладиган тиббиёт муассасасидан тўлиқ ахборот олиш;

жарроҳлик амалиёти ёки муолажа ўтказилишини у бошлангунига қадар рад этиб, рад этиш сабабини асосламаслик;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббиёт муассасаларида реабилитациядан ўтиш ва кузатувда бўлиш;

ўзига инсон аъзолари ва (ёки) тўқималари трансплантация қилиниши билан боғлиқ бўлган, юзага келган асоратлар туфайли Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган зарур тиббий ёрдамни қонунчиликка мувофиқ олиш ҳуқуқига эга.

Реципиент:

ўз бошидан ўтказган ёхуд ўзида мавжуд бўлган касалликлар тўғрисидаги маълумотларни аъзонинг ва (ёки) тўқиманинг трансплантацияси амалга ошириладиган тиббиёт муассасасига маълум қилиши;

шифокорларнинг тиббий тавсияларига риоя этиши шарт.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

19-модда. Донорларнинг, реципиентларнинг, шунингдек инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг ягона давлат реестри

Инсон аъзоларидан ва (ёки) тўқималаридан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек трансплантацияга муҳтож бўлган шахсларга тезкорлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Донорларнинг, реципиентларнинг, шунингдек инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг ягона давлат реестри (бундан буён матнда Ягона давлат реестри деб юритилади) ташкил этилади.

Ягона давлат реестри автоматлаштирилган ахборот тизими ҳисобланади ҳамда инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантациясини амалга оширувчи тиббиёт муассасаларининг ахбороти асосида шакллантирилади.

Ягона давлат реестрида:

аъзоларнинг ва (ёки) тўқималарнинг потенциал реципиентлари;

ўзига нисбатан аъзолар (аъзонинг бир қисми) ва (ёки) тўқималарнинг трансплантацияси бажарилган реципиентлар;

ўзидан аъзолар ва (ёки) тўқималар олинишига нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилик берган тирик донорлар;

ўзининг биологик ўлими юз бериши факти аниқланганидан кейин ўз танасидан (танасининг қолдиқларидан) аъзолар ва (ёки) тўқималар олинишига тириклик чоғида нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилик берган шахслар;

ўзидан трансплантация учун аъзолар ва (ёки) тўқималар олинган донорлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Донорларнинг, реципиентларнинг, шунингдек инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг ягона давлат реестрини шакллантириш ҳамда юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ягона давлат реестрида сақланадиган маълумотлар шифокор сиридир.

20-модда. Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги ишларни молиялаштириш

Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

21-модда. Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясини амалга оширувчи тиббиёт муассасаларининг халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

22-модда. Низоларни ҳал этиш

Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

23-модда. Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисидаги

қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

24-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

25-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

26-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 май,
ЎРҚ-768-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

171 Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш доирасида уларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизими изчил жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистон шароитида коррупциявий омилларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш жараёнида тегишли соҳаларни рақамлаштириш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга эътиборни янада кучайтириш зарурати вужудга келмоқда.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш юзасидан давлат органлари томонидан ўз функцияларини амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ:

1. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, қуйидагиларни назарда тутувчи «Е-Антикоррупция» лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) тўлиқ ишга туширилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларнинг (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш чораларини тизимли равишда кўриш мақсадида «Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»ни (кейинги ўринларда — Реестр) шакллантириш ва юритиш;

коррупциявий хавф-хатарларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, инсон омилини қисқартириш ва тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали бартараф этиш.

Белгилансинки:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 майда эълон қилинган.

Лойиҳа «E-Anticor.uz» электрон платформасида амалга оширилади;

Реестрни шакллантириш ва юритиш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан амалга оширилади ва Интернет тармоғида очиқ эълон қилиб борилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш доирасида:

давлат ташкилотлари томонидан уларга юкланган ҳар бир функция коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш юзасидан Агентлик ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ таҳлил қилиб борилади;

давлат ташкилотлари томонидан ўзига юкланган функциялар ва уларни амалга ошириш механизмлари юзасидан маълумотлар шакллантирилиб, очиқ эълон қилиб борилади;

эълон қилинган маълумотлар юзасидан фуқароларнинг таклифларини онлайн режимда қабул қилиш имконини яратган ҳолда ижтимоий сўровлар ва мустақил экспертлар иштирокида муҳокамалар ўтказилади;

ҳар бир функциянинг коррупциявий хавф-хатар даражаси «паст», «ўрта» ва «юқори» ўлчовларида «E-Anticor.uz» электрон платформасида баҳолаб борилади;

ҳар бир функция бўйича аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг тавсифи ва даражаси, уларни бартараф этиш бўйича чораларни ўз ичига олувчи коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш амалиёти йўлга қўйилади;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Реестр юритилиб, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш тадбирларини бажариш ҳолати «E-Anticor.uz» электрон платформасида эълон қилиб борилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни (йиллик) баҳолаш ва коррупциявий хавф-хатарлар хариталарини Реестрга киритиш ҳар йили 1 мартга қадар амалга оширилади;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш давлат ташкилотлари таркибий бўлинмалари раҳбарларини жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан ташкил этилади. Бунда, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари мавжуд бўлмаган давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин;

коррупциявий хавф-хатарларни мустақил баҳолаш мақсадида давлат ташкилотининг фаолияти ушбу ташкилот билан келишилган ҳолда мустақил ташкилот томонидан ташқи баҳолашдан ўтказилиши мумкин. Бунда, тегишли давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қониқарсиз амалга оширилган деб топилган тақдирда, Агентлик кўрсатмасига асосан унинг фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилиши шарт;

давлат ташкилотларининг раҳбарлари ўзларига юкланган функциялар-

да коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун шахсан жавобгардир.

4. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (Т. Нарбаева) Агентлик (А. Бурханов) билан биргаликда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш якунларига кўра қуйидаги чораларни кўриб борсин:

давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш бўйича ахборотларини эшитиш ва натижасига кўра камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўриш бўйича таклифлар киритиш;

давлат ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар бериш;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этишда ижобий натижаларга эришган давлат ташкилотларининг тажрибасини кенг оммалаштириш.

5. Агентлик (А. Бурханов) Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) билан биргаликда ҳамда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

уч ой муддатда давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг аниқ мезон ва усулларини назарда тутувчи услубиётни тасдиқласин;

мунтазам равишда давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқув-тренинг ва семинарларни ташкил қилиб борсин;

мунтазам равишда давлат ташкилотларига коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда услубий ёрдам бериб борсин.

6. Агентлик (А. Бурханов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда ҳамда халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда 2022 йил 1 августга қадар Лойиҳани самарали амалга оширишни таъминлаш учун «E-Anticor.uz» электрон платформасини такомиллаштириш, шу жумладан ушбу платформа доирасида давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш электрон тизимини яратиш чораларини кўрсин.

7. Агентлик ва Адлия вазирлиги томонидан айрим соҳалар таҳлилдан ўтказилиб, бир қатор коррупциявий хавф-хатарлар аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Адлия вазирлиги тизимида кадрлар билан ишлаш йўналишидаги бюрократик тўсиқларга чек қўйиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини қисқартиришга қаратилган автоматлаштирилган тизим жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Давлат бошқаруви органлари кадрлар билан ишлаш йўналишидаги бюрократик тўсиқларни, коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қисқартиришга қаратилган автоматлаштирилган тизимни 2023 йил 1 январга қадар қуйидаги талаблар асосида жорий этсин:

вакант лавозимларни эълон қилишдан тортиб, танлов ўтказиш ва ишга қабул қилиш натижалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришгача бўлган жараёнларни тўлиқ электрон тарзда амалга ошириш;

таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ягона электрон базага жамлаган ҳолда ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш;

кадрларга оид иш юритув ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда фақат тизим орқали электрон шаклда қабул қилиш ва юритиш;

ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш ва уларни масофавий ўқитиш;

кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш.

Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари кадрлар билан ишлаш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш бўйича сарф-харажатларни ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади.

9. Агентлик Бош прокуратура Академияси ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази билан биргаликда ҳамда халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий, услубий ва амалий ишланмаларни тарқатиш, эришилган ютуқлар ва тажриба билан алмашиш, давлат хизматчилари ва фуқароларнинг ушбу борадаги билимларини оширишда фойдаланишга мўлжалланган ягона интерактив майдонча — «Коррупцияга қарши курашиш виртуал платформаси» лойиҳасини ишга туширсин.

Бунда, ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги тажрибасини ўрганиш, масофавий таълим беришнинг интерактив модулларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар учун зарур адабиётлар базасини шакллантириш ҳамда мутахассислар билан онлайн анжуманлар ўтказиш имкониятларини яратишга алоҳида эътибор қаратилсин.

Агентлик (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) ва Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) жорий йилнинг октябрь ойига қадар «Коррупцияга қарши курашиш виртуал платформаси» лойиҳасининг тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлашга масъул этиб давлат ташкилотларининг раҳбарлари белгилансин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (А. Кўчимов) ушбу қарорнинг мазмун-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

моҳиятини ҳамда давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

12. Агентлик (А. Бурханов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори А.Э. Бурханов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 май,
ПҚ-240-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ****172 Давлат божхона хизмати органларида мажбурий
хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда
шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3125-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 октябрдаги 655-сон «Олий харбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 01-02/13-70 ва 155-сон қарори (рўйхат рақами 3125, 2019 йил 21 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 4-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 апрель,
3/02-22-11-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 январь,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил
29 апрелдаги 3/02-22-11-сон ва Молия
вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги
1-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат божхона хизмати органларида мажбурий
хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда
шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 17-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«курсантларнинг ўқиши бошқа олий ҳарбий ёки ҳарбийлаштирилган
таълим муассасаларига кўчирилганда.».

2. 2-иловадаги Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизмат-
ни ўташ ҳақидаги шартноманинг 2.2.-банди қуйидаги таҳрирда баён этил-
син:

«2.2. Институт — хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти
соҳасида таълим олувчиларни ихтисослик (мутахассислик) фанларига кас-
бий йўналтириш ҳамда мақсадли тайёрлашни назарда тутадиган, давлат
таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари та-
лабларига мувофиқ равишда ўқув-тарбия жараёнини амалга оширадиган
олий ҳарбийлаштирилган таълим муассаса.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**173 Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3366*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қондаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) асосан **буюраман:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 8-моддасига асосан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилиниши ва эълон этилиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддасига мувофиқ илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан зарур ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилиши ҳамда илгари қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз ҳуқуқий аҳамиятини йўқотган бўлса, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қискартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш белгиланганлиги;

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қондаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 111-бандига

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 майда эълон қилинган.

асосан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилиши натижасида юзага келадиган «ҳуқуқий бўшлиқлар» оқибатлари учун ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик ва идоралар раҳбарлари жавобгар бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан иловага мувофиқ чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4. Мазкур буйруқ иловасининг 49-50-бандлари 2022 йил 1 июлдан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 май,
11-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 10 майдаги
11-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат
реестридан чиқарилаётган айрим идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ишлатиш ва бошқаришда чет эл фуқаролари иштирокидаги қўшма корхоналарда махфийлик режимини таъминлаш бўйича низом (рўйхат рақами 547, 1998 йил 23 ноябрь).

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки бошқаруви, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» Миллий компанияси томонидан тасдиқланган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий хизматлари тизимида стажировкадан ўтиш тартиби (рўйхат рақами 603, 1999 йил 20 январь).

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки Бошқаруви, «Ўзбекистон ҳаво йўлла-

ри» Миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» Миллий компанияси томонидан тасдиқланган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаларининг малака амалиётини ўташ тартиби (рўйхат рақами 604, 1999 йил 20 январь).

4. Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки Бошқаруви, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» Миллий компанияси томонидан тасдиқланган Давлат грантлари асосида таҳсил олган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети битирувчиларини конкурс асосида танлаш тартиби (рўйхат рақами 605, 1999 йил 20 январь).

5. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси томонидан тасдиқланган Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 887, 2000 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 3-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 4-сон «Тугатилаётган корхона мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ҳамда уларнинг қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 887-1, 2001 йил 28 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 18-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 10-сон «Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентарлашни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 887-2, 2009 йил 18 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 21-сон, 255-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 19 декабрдаги 12-сон «Тугатилаётган корхона мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ҳамда уларнинг қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 887-3, 2011 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 572-модда).

9. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 сентябрдаги 01/24-26/15-сон «Тугатилаётган корхона мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ҳамда уларнинг қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори

(рўйхат рақами 887-4, 2013 йил 23 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 518-модда).

10. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 13 декабрдаги 01/24-26/45-сон «Тугатилаётган корхона мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ҳамда уларнинг қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 887-5, 2017 йил 12 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 2-сон, 36-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 28 сентябрдаги 01/16-2-10/23-сон «Тугатилаётган корхона мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ҳамда уларнинг қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 887-6, 2017 йил 10 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 10/17/887-6/0093-сон).

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 30 декабрдаги 01/11-14/63-сон «Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 887-7, 2020 йил 24 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.01.2020 й., 10/20/887-7/0079-сон).

13. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 8 сентябрда 123-В-сон билан тасдиқланган «O‘ZBEKISTON POCHTASI» АЖ нинг почта алоқаси ҳудудий (вилоят) филиаллари ва объектларида касса операцияларини юритиш қоидалари (рўйхат рақами 904, 2000 йил 1 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 5-сон).

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 16 майдаги 123-В-1, 124-мх-сон «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг почта алоқаси бўйича эксплуатация корхоналарида касса операцияларини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 904-1, 2015 йил 3 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 26-сон, 351-модда).

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 9 ноябрдаги 124, 2001-113-сон «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1088, 2001 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 22-сон).

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўми-

тасининг 2002 йил 19 августдаги 98, 2002-68-сон «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1088-1, 2002 йил 22 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон).

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 27 июлдаги 53, 2012-21-сон «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1088-2, 2012 йил 10 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 32-сон, 385-модда).

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 10 сентябрдаги 82, 2013-38-сон «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1088-3, 2013 йил 18 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 38-сон, 501-модда).

19. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 29 октябрдаги 4, 129, 2002-86-сон «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1192, 2002 йил 4 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 23-24-сонлар).

20. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг 2003 йил 10 апрелдаги 3, 46, 2003-47, 3-сон «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1192-1, 2003 йил 23 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сонлар).

21. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил 20 октябрдаги 90, 98, 2009-30, 2-сон «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1192-2, 2009 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 512-модда).

22. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 14 апрелдаги 64, 32, 2014-12, 2-мб-сон «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги

низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1192-3, 2014 йил 24 апрель).

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 4 майдаги 30, 250-В, 60, 6-сон «Марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1358, 2004 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 240-модда).

24. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 47, 4/5, 81, 5-сон «Марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1358-1, 2013 йил 20 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 38-сон, 505-модда).

25. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банкининг Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 21 июндаги 55, 59, 263-В, 01-02/19-16-сон «Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасида чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1482, 2005 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 184-модда).

26. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банкининг Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 2 апрелдаги 22, 33, 6/1, 01-02/19-29-сон «Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасида чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1482-1, 2013 йил 2 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 238-модда).

27. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1523, 2005 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 358-модда).

28. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 27 январдаги 20-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1523-1, 2006 йил 13 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 47-модда).

29. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2016 йил 29 мартдаги 24-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1523-2, 2016 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 167-модда).

30. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2018 йил 31 январдаги 43-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1523-3, 2018 йил 19 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.02.2018 й., 10/18/1523-3/0784-сон).

31. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 53-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1523-4, 2018 йил 7 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2018 й., 10/18/1523-4/2281-сон).

32. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2019 йил 29 ноябрдаги 67-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1523-5, 2019 йил 20 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2019 й., 10/19/1523-5/4184-сон).

33. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2006 йил 4 октябрдаги 117, 12 ва 37/ҚҚ-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари — ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиши учун лавозим, касблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1631, 2006 йил 18 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 423-модда).

34. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 15 августдаги 01/19-18/12-сон «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1860, 2008 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 39-сон, 401-модда).

35. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 5 мартдаги 01/27-26/07-сон «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга

ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1860-1, 2014 йил 26 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 13-сон, 145-модда).

36. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги 01/27-26/33-сон «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар» шаклини тўлдириш бўйича қоидаларнинг 6-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1860-2, 2016 йил 1 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 22-сон, 254-модда).

37. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 27 февралдаги 01/10-10/45-сон «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1860-3, 2019 йил 11 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019 й., 10/19/1860-3/2735-сон).

38. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 28 майдаги 11, 52, 52-4-4/46, 11/2-сон «Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1979, 2009 йил 1 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 27-сон, 321-модда).

39. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 19 июлдаги ЭГ-01/10-4014, 60, 01-02/8-10 сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2131, 2010 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 33-сон, 279-модда).

40. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 30 августдаги ЭГ-01/10-4974, 67, 01-02/8-13-сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2131-1, 2012 йил 3 октябрь).

41. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 2 декабрдаги 2016/39-7, 90, 01-02/16-65-сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2131-2, 2016 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 50-сон, 573-модда).

42. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 11 октябрдаги 2018/23-04, 133,

01-02/8-62-сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2131-3, 2018 йил 16 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.11.2018 й., 10/18/2131-3/2191-сон).

43. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2020 йил 11 августдаги 9-СП-сон, Молия вазирлигининг 2020 йил 8 августдаги 35-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 7 августдаги 01-02/8-35-сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2131-4, 2020 йил 25 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.08.2020 й., 10/20/2131-4/1220-сон).

44. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2010 йил 26 августдаги 7-ю/б-сон «Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2139, 2010 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 309-модда).

45. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2011 йил 16 мартдаги 9-мх-сон «Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2139-1, 2011 йил 28 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 12-13-сон, 127-модда).

46. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2012 йил 30 июндаги 10-м/ҳ-сон «Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2139-2, 2012 йил 18 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 344-модда).

47. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2013 йил 14 февралдаги 12-м/ҳ-сон «Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2139-3, 2013 йил 25 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 9-сон, 119-модда).

48. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2014 йил 1 апрелдаги 16-мх-сон «Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2139-4, 2014 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон, 172-модда).

49. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2012 йил 15 мартдаги 15, 29-сон «Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўлланмалари билан

таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2356, 2012 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 200-модда).

50. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2015 йил 9 мартдаги 6-қ/қ ва 22-сон «Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2356-1, 2015 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 12-сон, 144-модда).

51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 2 июлдаги 01-237-сон «Олий ҳарбий таълим муассасаларида тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2477, 2013 йил 12 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 28-сон, 367-модда).

52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2014 йил 14 августдаги 01-268-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2477-1, 2014 йил 21 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 34-сон, 442-модда).

53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 24 августдаги 01-288-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2477-2, 2016 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 35-сон, 411-модда).

54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 10 октябрдаги 01-339-сон «Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2520, 2013 йил 31 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 44-сон, 582-модда).

55. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2015 йил 19 январдаги 01-15-сон «Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2520-1, 2015 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 4-сон, 48-модда).

56. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2015 йил 9 июлдаги 01-193-сон «Чет тиллар

ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2520-2, 2015 йил 15 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 379-модда).

57. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2019 йил 16 декабрдаги 01-695-сон «Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2520-3, 2019 йил 30 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 10/19/2520-3/4252-сон).

58. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 14 сентябрдаги 79, 336-В, 2015-29-сон «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2716, 2015 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 39-сон, 513-модда).

59. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 36, 336-В-1 ва 2018-08-сон «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2716-1, 2018 йил 7 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.03.2018 й., 10/18/2716-1/0861-сон).

60. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 февралдаги 16 ва 2019-09-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиш регламентини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3150, 2019 йил 12 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2019 й., 10/19/3150/2927-сон).

61. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссиясининг 2020 йил 25 майдаги 24/1-1111-сон «Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3257, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3257/1056-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

174 Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларда қўшимча ва ёрдамчи функцияларни аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3367*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларда қўшимча ва ёрдамчи функцияларни аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. ИНАКОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 май,
76-ИЧ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
тиббий-ижтимоий хизматларни ривожланти-
риш агентлиги директорининг 2022 йил
7 майдаги 76-ИЧ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни
ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий
муассасаларда қўшимча ва ёрдамчи функцияларни аутсорсинг
шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) тизимидаги «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, унинг ҳудудий марказларида, Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларда, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида ҳамда Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказида (бундан буён матнда тиббий-ижтимоий муассаса деб юритилади) мазкур Низомга 1-иловада назарда тутилган қўшимча ва ёрдамчи функцияларни (бундан буён матнда хизматлар деб юритилади) аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:
аутсорсинг — хизматларни шартнома асосида аутсорсерга ўтказиш;
аутсорсер — шартнома асосида буюртмачига хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти;
буюртмачи — тиббий-ижтимоий муассасалар.
2. Буюртмачи хизматларни аутсорсингга ўтказишда қуйидаги шартларга риоя қилиши шарт:
аутсорсерга ўтказиладиган хизматларни олдинги сифатга тенг ёки ундан юқори сифатда кўрсатилишига;
буюртмачининг аутсорсерга бериладиган хизматларни бажариш билан банд бўлган ходимлари штат бирликларини қисқартиришга.
3. Аутсорсер ходимлари буюртмачининг тегишли ҳудудига буюртмачига олдиндан тақдим этилган рўйхат асосида киради ҳамда тиббий-ижтимоий муассаса биносида ҳаракатланади.
4. Тиббий-ижтимоий муассасаларда даволанувчи ҳамда реабилитация жараёнида бўлган шахсларга (бундан буён матнда истеъмолчи деб юритилади) хизматларни ташкил этиш учун аутсорсер масъул ҳисобланади.
5. Истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар белгиланган санитария

қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида аутсорсер томонидан тузилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган бир ойлик режа асосида ташкил этилади.

6. Аутсорсерни танлаш ҳамда у билан шартнома тузиш давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7. Аутсорсер харид қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар, фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигига шахсан масъул ҳисобланади.

2-боб. Аутсорсернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Аутсорсер қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ижара шартномаси доирасида бино ва иншоотларни ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

кўрсатилган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш;

истеъмолчиларнинг сони ва овқатланиш жадвалини белгиланган тартибда олиш;

хизматлар таннархи ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш.

9. Аутсорсер қўйидагиларга мажбур:

буюртмачининг бино-иншоотларида ўз фаолиятини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга ошириш;

истеъмолчиларни соғлом овқатлантириш хизматини буюртмачи ошхонасининг ўзида ёки ўз ошхонасида тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

буюртмачи билан расмийлаштириладиган шартномада кўзда тутилган шартларни тўлиқ ва сифатли бажариш.

3-боб. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

аутсорсинг усулида хизматларни амалга ошириш учун шартномада аутсорсерга қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

аутсорсер билан келишилган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

харид қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар, фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини талаб қилиш.

11. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш;

аутсорсерга истеъмолчиларнинг сонини ва уларнинг овқатланиш жадвалини ўз вақтида тақдим этиш.

4-боб. Аутсорсинг хизматларига ҳақ тўлаш, аутсорсер фаолиятини ва хизматлар назоратини ташкил этиш

12. Аутсорсинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдори буюртмачи ҳамда аутсорсер ўртасида расмийлаштириладиган шартномада белгиланади.

13. Аутсорсер томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг буюртмачи ва аутсорсер ўртасида тузилган шартномада белгиланган талабларга мувофиқлиги буюртмачи раҳбари, унинг ўринбосари, ҳамшира, тарбиячи ҳамда бошқа ходимлардан (зарур ҳолларда, ота-оналар, истеъмолчиларнинг қонуний вакиллари қўшилиши мумкин) иборат комиссия томонидан назорат қилинади.

Бунда, ушбу Низомга 1-иловада* назарда тутилган таом тайёрлаш сифатини назорат қилиш якунлари мазкур Низомга 2-иловадаги* шаклга мувофиқ тайёр таомлар сифатини назорат қилиш бўйича маълумотларни қайд этиш дафтарида ҳар куни қайд қилиб борилади.

Шунингдек, мазкур Низомга 1-иловада белгиланган кир ювиш ва тозалаш хизматлари сифатини назорат қилиш бўйича ушбу Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда маълумотларни қайд этиш дафтари юритилади.

Мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларида назарда тутилган дафтарларнинг биринчи саҳифасида комиссияни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқдан кўчирма бўлиши, дафтарлар рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва буюртмачи раҳбари томонидан сана кўрсатилган ҳолда имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим.

14. Аутсорсер томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бажарилиши ҳолатининг мониторингини олиб бориш ҳамда кунлик таом тарқатилишидан 15 — 20 дақиқа олдин синамалар олиш буюртмачи ҳамшираси зиммасига юкланади.

15. Кейинги кунга кўрсатиладиган хизматлар рўйхати, шу жумладан таомнома режасини тузиш учун буюртмачи аутсорсерга бир кун олдин соат 16.00 гача бир кун олдинги истеъмолчилар сонига нисбатан буюртма тақдим қилади.

Шунингдек, шанба, якшанба ва байрам кунларида қолган истеъмолчиларнинг сони бир кун олдин тақдим қилинади.

16. Мазкур Низомга 1-иловада назарда тутилган хизматлар учун бир кунлик ўртача сарфланадиган маҳсулотларнинг миқдори ва уларнинг қиймати чиқарилган ҳолда аутсорсер томонидан ушбу Низомга 4 — 6-иловаларда* келтирилган шаклларга мувофиқ таом тайёрлаш, кир ювиш ва тозалаш ҳамда ахборот-коммуникация таъминоти ва техник хизмат варақалари икки нусхада бир кун олдин соат 18.00 гача тузилади ҳамда буюртмачи раҳбари билан келишилади. Биринчи нусхаси аутсорсерга, иккинчи нусхаси буюртмачига берилади.

* 1 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

17. Буюртмачи ҳар ўн кунлик бланкаларни ип ўтказиб боғланган ҳолда олдиндан рақамлайди, муҳрлайди ва алоҳида дафтарда рўйхатдан ўтказди.

18. Бланкада хизматлар тури, нархи, сарфланган маҳсулотлар тури ва уларнинг миқдорлари кўрсатилади.

19. Ушбу Низомга 7-иловада* назарда тутилган шаклга мувофиқ сифати тез бузилувчи озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни қайд этиш дафтари аутсорсер томонидан юритилади.

20. Аутсорсер ҳар ўн кунда тасдиқланган кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-фактура ҳужжатларини буюртмачи бухгалтериясига тақдим этади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

21. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

22. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2022 йил 5 май

**Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизмати бошлиги**

Б. ЮСУПАЛИЕВ

2022 йил 28 апрель

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 28 апрель

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**175** Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-11*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 апрель,
14-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 22 апрелдаги
14-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 31-банддаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2. 61-банддаги «бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва йиғимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 70-банддан «, топилмалар бюросини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 72-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«72. 7 033 000 «Суд ҳокимияти» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, харбий судлар,

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 майда эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлар, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабини, адлия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибиятини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.»

5. 79-банддан «, Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 80-банднинг бешинчи хатбошисидан «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси харажатлари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 87-банддан «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8. 91-банддан «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси харажатлари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. 98-банддаги «назорати» деган сўз «хизмати» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 102-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 110-банддаги «Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасини» деган сўзлар «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 112-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«112. 7 089 000 «Бошқа тоифаларга киритилмаган дам олиш, маданият, спорт ва дин масалалари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Спортни ривожлантириш вазирлиги, санъат бўйича бошқа тадбирлар, маданий-маърифий муассасалар ва тадбирлар харажатлари, шунингдек бюджет ажратмалари, бюджет ссудалари ва бошқа манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳамда бошқа тадбирлар харажатлари акс эттирилади.»

13. 115-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«115. 7 092 000 «Умумий ўрта таълим» бўлимида бошланғич ва ўрта мактаблар, мактаб-интернатлар, алоҳида режимдаги мактаб-интернатлар, академик лицейлар, профессионал таълим муассасалари, ихтисослаштирилган касб-хунар мактабларини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.»

14. 120-банддан «Касб-хунар таълим марказини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15. 122-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«122. 7 101 000 «Касалликлар, меҳнатга лаёқатсизлик ва кам таъминланганлик» бўлимида болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақалар, ногиронлиги бўлган болаларни ўқитиш ва иш билан таъминлаш, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун санаториялар ва интернат-уйлари, кичик ёшдаги ногиронлиги бўлган болалар учун интернат-уйлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.»

16. 129-банддаги «ногиронларни» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 134, 136 ва 137-бандлардаги «касб-хунар» деган сўзлар «профессионал» деган сўз билан алмаштирилсин.

18. 140-141-бандлардаги «Ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар «Ижтимоий солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 175-банддаги «ногирон боласини» ва «ногиронлар» деган сўзлар тегишли равишда «ногиронлиги бўлган боласини» ва «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 179-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «ногиронларни» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 1-иловада:

1) 2 004 2 2 қатордан кейин қўйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«2 005 0 0 Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси;

2 005 1 0 Республика маблағлари;

2 005 2 0 Худудий маблағлар;

2 005 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

2 005 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар».

2) 3 006 0 0 ва 3 006 1 0 қаторлар чиқариб ташлансин.

3) 3 011 1 0 қатордан кейин қўйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 011 2 0 Худудий маблағлар;

3 011 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари».

4) 3 013 0 0, 3 013 1 0, 3 015 0 0, 3 015 1 0, 3 019 0 0 — 3 019 2 2 қаторлар чиқариб ташлансин.

5) 3 027 0 0 қаторнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси»;

6) 3 034 0 1 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 035 0 0 Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

3 035 1 0 Республика маблағлари;

3 036 0 0 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл юрт умиди» жамғармаси;

3 036 1 0 Республика маблағлари;

3 037 0 0 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси;

3 037 1 0 Республика маблағлари;

3 038 0 0 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

3 038 1 0 Республика маблағлари;

3 039 0 0 Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси;

3 039 1 0 Республика маблағлари;

3 040 0 0 Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси;

3 040 1 0 Республика маблағлари;

3 041 0 0 Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

3 041 1 0 Республика маблағлари;

3 043 0 0 Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси;

3 043 1 0 Республика маблағлари;

3 044 0 0 «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси;

3 044 1 0 Республика маблағлари;

3 045 0 0 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси;

3 045 1 0 Республика маблағлари;

3 045 2 0 Худудий маблағлар;

3 045 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

3 045 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;

3 046 0 0 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси;

- 3 046 1 0 Республика маблағлари;
- 3 048 0 0 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси;
- 3 048 1 0 Республика маблағлари;
- 3 049 0 0 Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармаси;
- 3 049 1 0 Республика маблағлари»;
- 3 050 0 0 «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси;
- 3 050 1 0 Республика маблағлари;
- 3 050 2 0 Худудий маблағлар;
- 3 050 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;
- 3 050 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;
- 3 051 0 0 «Аёллар дафтари»га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси;
- 3 051 1 0 Республика маблағлари;
- 3 051 2 0 Худудий маблағлар;
- 3 051 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;
- 3 051 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;
- 3 052 0 0 Спортчи ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;
- 3 052 1 0 Республика маблағлари;
- 3 052 2 0 Худудий маблағлар;
- 3 052 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;
- 3 052 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;
- 3 053 0 0 Меҳр дафтарига киритилган етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;
- 3 053 1 0 Республика маблағлари;
- 3 053 2 0 Худудий маблағлар;
- 3 053 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;
- 3 053 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар»;
- 7) 3 800 2 2 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:
 - «3 999 0 0 Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар;
 - 3 999 1 0 Республика маблағлари;
«7 098 902 Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлигини сақлаш харажатлари»;

7 098 903 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси;

7 098 904 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигини сақлаш харажатлари»;

101) 7 101 201 қатордаги «ногиронларга» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

102) 7 101 202 қатордаги «Ногиронларни» деган сўз «Ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

103) 7 101 203 ва 7101 204 қаторлардаги «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

104) 7 101 205 қатордаги «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

105) 7 103 500 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 103 600 Пандемия даврида ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга бериладиган моддий ёрдам;

7 103 700 Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болалари учун бир марталик моддий ёрдам;

7 103 990 Нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар»;

106) 7 106 903 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига ажратиладиган маблағлар»;

107) 7 106 999 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 107 000 Оролбўйи минтақасини ривожлантириш харажатлари;

7 107 100 Иссиқлик таъминоти тизимларини яхшилаш харажатлари;

7 107 200 Чўлланишга қарши курашиш ва сув ресурсларини бошқариш харажатлари;

7 107 300 Кўп квартирали уйларда ички муҳандислик тармоқларини ва умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш харажатлари;

7 107 400 Шаҳарлар ҳамда туманлар марказларини ободонлаштириш ва таъмирлаш харажатлари;

7 107 500 Сув таъминоти тизимини ривожлантириш ҳамда канализация, санитария ва маиший чиқиндилардан фойдаланиш тизимларини яхшилаш харажатлари;

7 107 700 Маданият муассасалари, театрлар ҳамда ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш харажатлари;

7 107 900 Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилаш бўйича бошқа лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган харажатлар»;

108) 7 109 209 қатордаги «Ногиронлар» деган сўз «Ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

109) 7 109 405 қатордаги «Ногиронларни» деган сўз «Ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

110) 7 109 405 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 109 406 Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази харажатлари»;

111) 7 109 502 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 109 600 Ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

7 109 601 «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

7 109 602 «Аёллар дафтари»га киритилган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

7 109 603 Меҳр дафтарига киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш харажатлари»;

112) 7 109 803 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 109 804 Республика бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий буюртмачиларга марказлаштирилган капитал қўйилмалар»;

7 109 805 Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари, Тошкент шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар»;

113) 7 109 930 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 109 940 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар»;

7 109 950 Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси»;

114) 7 950 000 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таксимланиши назарда тутилган солиқлар, йиғимлар ва божхона тўловларини тўлашдан тушган тушумлар (депозит мақсадларда)»;

115) 7 950 100 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона тўловларини тўлашдан тушган тушумлар».

24. 5-иловада:

1) 41 11 210 қатордаги «касб-ҳунар таълими» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 41 11 220 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«41 11 230 Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасидан тўловлар»;

41 11 240 Илмий даражага эга бўлган ходимларга қўшимча тўловлар»;

3) 41 21 100 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижтимоий солиқ»;

4) 42 52 410 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дори воситалари»;

5) 42 52 410 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«42 52 411 Тиббий буюмлар»;

42 52 412 Тиббий ускуна ва жиҳозлар учун реагентлар ва реактивлар»;

42 52 413 Дезинфекцияловчи ва шахсий ҳимоя воситалари»;

6) 43 54 950 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«43 54 960 Спорт инвентарлари ва жихозлари»;

7) 46 41 430 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«46 41 440 Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар»;

8) 46 42 140 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«46 21 300 Бюджетлараро трансфертлар»;

46 21 310 Давлат мақсадли жамғармалари»;

46 21 320 Бошқа мақсадли жамғармалар»;

9) 47 11 160 қатордаги «Ногирон» деган сўз «Ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 47 11 170 қатордаги «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 47 21 600 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«47 21 700 Пандемия даврида ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларга бериладиган моддий ёрдам»;

12) 47 22 800 қатордаги «ногиронларни» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 48 21 700 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«48 21 800 Халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш харажатлари».

25. Ба-иловада:

1) 41 11 210 қатордаги «касб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 41 11 220 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«41 11 230 Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасидан тўловлар»;

41 11 240 Илмий даражага эга бўлган ходимларга қўшимча тўловлар»;

3) 47 11 160 қатордаги «Ногирон» деган сўз «Ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 47 11 170 қатордаги «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 41 21 100 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижтимоий солиқ»;

6) 42 52 410 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дори воситалари»;

7) 42 52 410 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«42 52 411 Тиббий буюмлар»;

42 52 412 Тиббий ускуна ва жиҳозлар учун реагентлар ва реактивлар;

42 52 413 Дезинфекцияловчи ва шахсий химоя воситалари»;

8) 43 54 950 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«43 54 960 Спорт инвентарлари ва жиҳозлари»;

9) 46 41 430 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«46 41 440 Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар»;

10) 46 42 140 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«46 21 300 Бюджетлараро трансфертлар;

46 21 310 Давлат мақсадли жамғармалари;

46 21 320 Бошқа мақсадли жамғармалар»;

11) 47 21 600 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«47 21 700 Пандемия даврида ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга бериладиган моддий ёрдам»;

12) 47 22 800 қатордаги «ногиронларни» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 48 21 700 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«48 21 800 Халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш харажатлари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**176** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузури-
даги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низом-
нинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-9*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги 304-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2166, 2010 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 499-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомнинг 9-банди иккинчи хатбошисидаги «Кадрлар бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан» деган сўзлар «Инсон ресурслари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 май,
12-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**177** **Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3092-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 533-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3092, 2018 йил 29 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2018 й., 10/18/3092/2246-сон) билан тасдиқланган Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 май,
13-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 13 майдаги
13-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Хуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан» деган сўзлар «Хуқуқий хизмат кўрсатишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «15 иш куни» деган сўзлар «10 кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

178 Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3368*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ–81-сон «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорига асосан **буюраман:**

1. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 майда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. БУРХАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 май,
41-сон

Ўзбекистон Республикаси
коррупцияга қарши курашиш агентлиги
директорининг 2022 йил 13 майдаги
41-сон буйруғига
ИЛОВА

**Коррупцияга қарши курашиш ишларининг
самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга
оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва
унинг фаолиятини ташкил этиш
ТАРТИБИ**

Мазкур Тартиб Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи (бундан буён матнда Экспертлар гуруҳи деб юритилади) таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) томонидан электрон платформа орқали шакллантирилган рейтинг баҳолашнинг дастлабки натижалари;

манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

электрон платформа — Агентлик томонидан юритиладиган «E-Anticor.uz» электрон платформаси.

2. Дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларининг ҳолиселигини таъминлаш мақсадида ҳар йили 9 кишидан иборат бўлган таркибда Экспертлар гуруҳи Агентлик томонидан шакллантирилади ҳамда ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

Бунда, Экспертлар гуруҳи таркибида камида 3 киши фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан бўлиши лозим.

3. Экспертлар гуруҳи аъзолари коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш бўйича ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

4. Экспертлар гуруҳи Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади.

2-боб. Экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш

5. Экспертлар гуруҳи таркиби Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (бундан буён матнда давлат ташкилотлари деб юритилади) таклифларига асосан шакллантирилади.

6. Агентлик ҳар йили 1 ноябрга қадар давлат ташкилотлари томонидан электрон платформага ҳар чоракда (10 апрель, 10 июль ва 10 октябрга қадар) киритилган маълумотлар таҳлили асосида давлат ташкилотларига Экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш учун номзод тақдим этиш ҳақида мурожаат қилади.

7. Агентликнинг мурожаатига асосан давлат ташкилотлари ҳар йили 15 ноябрга қадар Агентликка коррупцияга қарши курашиш бўйича икки нафар малакали мутахассисни уларнинг объективка-маълумотномалари билан биргаликда тақдим қилади.

8. Агентлик фуқаролик жамияти институти вакиллари томонидан Экспертлар гуруҳига номзодлар тақдим этилиши учун ҳар йили 1 ноябрга қадар ўзининг расмий веб-сайтида эълон жойлаштиради.

Бунда, Экспертлар гуруҳида иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқаролик жамияти институти вакиллари ҳар йили 15 ноябрга қадар Агентликнинг расмий веб-сайтидаги махсус шаклни тўлдириши ҳамда унга ўзларининг объективка-маълумотномаларини илова қилиши лозим.

9. Агентлик ҳар йили 25 декабрга қадар давлат ташкилотлари томонидан тақдим этилган номзодлар ва Экспертлар гуруҳида иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқаролик жамияти институти вакилларини кўйидаги мезонлар асосида саралаб олиш орқали Экспертлар гуруҳи таркибини шакллантиради:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;
олий маълумотга эга бўлиши;
мутахассислиги бўйича камида 5 йиллик иш стажига эга бўлиши;
коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиш.

10. Қўйидагилар Экспертлар гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас:

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўзига нисбатан суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси юритилаётган шахс.

11. Агентлик номзодларнинг олий маълумоти тўғрисидаги диплом маълумотлари ҳамда иш стажини тасдиқловчи маълумотларни масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олади.

12. Экспертлар гуруҳи 9 кишидан иборат таркибда Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

13. Экспертлар гуруҳи раҳбари Экспертлар гуруҳи аъзоларининг биринчи йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан Экспертлар гуруҳи аъзоси ҳисобланувчи фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан сайланади.

3-боб. Экспертлар гуруҳининг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

14. Қуйидагилар Экспертлар гуруҳининг вазифалари ҳисобланади:

Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини белгиланган муддатларда ва сифатли кўриб чиқиш;

дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақидаги хулосани ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаларини тақдим этиш.

15. Экспертлар гуруҳи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш бўйича Агентликка таклифлар киритиш;

дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари бўйича ўз фикрларини билдириш;

электрон платформани такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича Агентликка таклифлар киритиш.

16. Экспертлар гуруҳи қуйидагиларга мажбур:

ўз фаолиятини виждонан ва холислик тамойилларига таянган ҳолда амалга ошириш, қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Тартиб талабларига қатъий риоя қилиш;

дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш вақтида ўзига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда мазкур ҳолатлар юзга келган тақдирда бу ҳақида Экспертлар гуруҳи раҳбарига маълум қилиш;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари эълон қилингунга қадар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бу ҳақида чиқишлар қилмаслик.

4-боб. Экспертлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш

17. Агентлик Экспертлар гуруҳининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун ўз биносидан стол, стуллар, компьютер, сканер, ўқув ва илмий жиҳозлар ҳамда стационар телефон алоқаси билан жиҳозланган тегишли хоналарни ажратиб беради.

18. Экспертлар гуруҳи раҳбари ишни самарали ташкил этиш мақсадида дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари Экспертлар гуруҳининг барча аъзолари томонидан кўриб чиқилишини таъминлайди, Экспертлар гуруҳи йиғилишларини чақиради ва унга раислик қилади, Экспертлар гуруҳи аъзоларига ўз фикрларини тақдим этиш муддатини белгилайди.

19. Экспертлар гуруҳи аъзолари белгиланган муддат ичида давлат ташкилотларининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади. Бунда, Экспертлар гуруҳига қўшимча материаллар зарур бўлган тақдирда ушбу маълумотлар Экспертлар гуруҳи раҳбарининг сўровига кўра Агентлик томонидан дарҳол тақдим этилиши лозим.

20. Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари Экспертлар гуруҳининг барча аъзолари томонидан кўриб чиқилгач Экспертлар гуруҳи йиғилиши чақирилади.

21. Экспертлар гуруҳининг йиғилиши, агар унда Экспертлар гуруҳи аъзоларнинг камида беш нафари (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Бунда, Экспертлар гуруҳининг йиғилишида иштирок этмаган гуруҳ аъзосининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақида хулосаси ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижалари (агар тақдим қилган бўлса) кўриб чиқилади.

22. Экспертлар гуруҳи аъзоларининг хулоса ва муқобил рейтинг баҳолаш натижалари Экспертлар гуруҳида овоз бериш натижаларига кўра шакллантириладиган фикр сифатида тақдим этилади. Овозлар тенг бўлиб қолганда гуруҳ раҳбарининг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Экспертлар гуруҳида қабул қилинган қарорга қўшилмаган гуруҳ аъзоси ўз фикрини алоҳида билдириш ҳуқуқига эга.

23. Экспертлар гуруҳи ҳар йили 15 февралга қадар дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш бўйича қуйидагилардан бирини Агентликка тақдим этади:

дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақида хулоса;

муқобил рейтинг баҳолаш натижалари.

24. Агентлик Экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилган хулоса ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаларини ҳар йили 20 февралга қадар пухта таҳлил қилади.

Бунда, Агентлик Экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилган хулоса ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижалари якуний баҳолаш натижаларида инобатга олинганлиги ёки инобатга олинмаганлиги тўғрисида гуруҳ раҳбарини хабардор қилиши лозим.

5-боб. Экспертлар гуруҳи фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш

25. Экспертлар гуруҳи раҳбари гуруҳ фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чоралар кўришга масъул ҳисобланади.

26. Экспертлар гуруҳи ишида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида гуруҳ аъзосига кўриб чиқиш учун ўзи фаолият юритаётган ёки илгари ишлаган давлат ташкилотининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари тақдим этилмайди.

27. Экспертлар гуруҳи аъзоси қўйидаги асосларга кўра, у ёки бу давлат ташкилотини дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқишда ҳолисликни таъминлай олмайман деган ҳулосага келган тақдирда, ўзини ушбу давлат ташкилотининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқишдан озод қилиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига тақлиф кириштириши мумкин:

ушбу давлат ташкилотинида эксперт яқин қариндошининг фаолият юриштириши;

экспертнинг ушбу давлат ташкилотининг жамоатчилик тузилмаларига аъзо эканлиги;

тегишли давлат ташкилотининг лицензиялар тақдим этиш, маҳсулотлар сотиб олиш ва бошқа давлат хизмати кўрсатиш фаолияти билан экспертнинг боғлиқлиги мавжуд бўлса.

Бунда, Экспертлар гуруҳи раҳбари томонидан ушбу экспертга манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган давлат ташкилотининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари тақдим этилмаслиги лозим.

6-боб. Яқуний қоида

28. Ушбу Тартиб бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 29 апрелдаги 3/02-22-11-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги 1-сон «Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3125-2.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 10 майдаги 11-мх-сон «Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3366.

3. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 7 майдаги 76-ИЧ-сон «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларда қўшимча ва ёрдамчи функцияларни аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3367.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 22 апрелдаги 14-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-11.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 13 майдаги 12-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малага комиссияси тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 13 майдаги рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-9.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 13 майдаги 13-мх-сон «Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юриш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3092-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2022 йил 13 майдаги 41-сон «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3368.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ишлатиш ва бошқаришда чет эл фуқаролари иштирокидаги қўшма корхоналарда махфийлик режимини таъминлаш бўйича низом (рўйхат рақами 547, 1998 йил 23 ноябрь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки бошқаруви, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» Миллий компанияси томонидан тасдиқланган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий хизматлари тизимида стажировкадан ўтиш тартиби (рўйхат рақами 603, 1999 йил 20 январь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки Бошқаруви, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» Миллий компанияси томонидан тасдиқланган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаларининг малака амалиётини ўташ тартиби (рўйхат рақами 604, 1999 йил 20 январь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўми-

таси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки Бошқаруви, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» Миллий компанияси томонидан тасдиқланган Давлат грантлари асосида таҳсил олган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети битирувчиларини конкурс асосида танлаш тартиби (рўйхат рақами 605, 1999 йил 20 январь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги хузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси томонидан тасдиқланган Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 887, 2000 йил 3 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 887-1, 2001 йил 28 сентябрь), (рўйхат рақами 887-2, 2009 йил 18 май), (рўйхат рақами 887-3, 2011 йил 29 декабрь), (рўйхат рақами 887-4, 2013 йил 23 сентябрь), (рўйхат рақами 887-5, 2017 йил 12 январь), (рўйхат рақами 887-6, 2017 йил 10 октябрь), (рўйхат рақами 887-7, 2020 йил 24 январь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 8 сентябрда 123-В-сон билан тасдиқланган «O‘ZBEKISTON POCHTASI» АЖ нинг почта алоқаси ҳудудий (вилоят) филиаллари ва объектларида касса операцияларини юритиш қоидалари (рўйхат рақами 904, 2000 йил 1 март), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 904-1, 2015 йил 3 июль).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 9 ноябрдаги 124, 2001-113-сон «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1088, 2001 йил 27 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1088-1, 2002 йил 22 август), (рўйхат рақами 1088-2, 2012 йил 10 август), (рўйхат рақами 1088-3, 2013 йил 18 сентябрь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 29 октябрдаги 4, 129, 2002-86-сон «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни хар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1192, 2002 йил 4 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1192-1, 2003 йил 23 апрель), (рўйхат рақами 1192-2, 2009 йил 19 ноябрь), (рўйхат рақами 1192-3, 2014 йил 24 апрель).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 4 майдаги 30, 253-В, 60, 6-сон «Марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1358, 2004 йил 19 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1358-1, 2013 йил 20 сентябрь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банкининг бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 21 июндаги 55, 59, 263-В, 01-02/19-16-сон «Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасида чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1482, 2005 йил 23 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1482-1, 2013 йил 2 май).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

11. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1523, 2005 йил 19 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1523-1, 2006 йил 13 февраль), (рўйхат рақами 1523-2, 2016 йил 18 апрель), (рўйхат рақами 1523-3, 2018 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 1523-4, 2018 йил 7 декабрь), (рўйхат рақами 1523-5, 2019 йил 20 декабрь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

12. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2006 йил 4 октябрдаги 117, 12 ва 37/ҚҚ-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари — ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиши учун лавозим, касблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1631, 2006 йил 18 октябрь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 15 августдаги 01/19-18/12-сон «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1860, 2008 йил 24 сентябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1860-1, 2014 йил

26 март), (рўйхат рақами 1860-2, 2016 йил 1 июнь), (рўйхат рақами 1860-3, 2019 йил 11 март).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

14. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 28 майдаги 11, 52, 52-4-4/46, 11/2-сон «Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1979, 2009 йил 1 июль).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 19 июлдаги ЭГ-01/10-4014, 60, 01-02/8-10 сон «Товарларнинг келиб чиқшини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2131, 2010 йил 13 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2131-1, 2012 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 2131-2, 2016 йил 14 декабрь), (рўйхат рақами 2131-3, 2018 йил 16 ноябрь), (рўйхат рақами 2131-4, 2020 йил 25 август).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

16. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2010 йил 26 августдаги 7-ю/б-сон «Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2139, 2010 йил 4 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2139-1, 2011 йил 28 март), (рўйхат рақами 2139-2, 2012 йил 18 июль), (рўйхат рақами 2139-3, 2013 йил 25 февраль), (рўйхат рақами 2139-4, 2014 йил 7 апрель).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

17. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2012 йил 15 мартдаги 15, 29-сон «Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2356, 2012 йил 27 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 2356-1, 2015 йил 25 март).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 2 июлдаги 01-237-сон «Олий ҳарбий таълим муассасаларида тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2477, 2013 йил 12 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2477-1, 2014 йил 21 август), (рўйхат рақами 2477-2, 2016 йил 29 август).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 10 октябрдаги 01-339-сон «Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2520, 2013 йил 31 октябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2520-1, 2015 йил 28 январь), (рўйхат рақами 2520-2, 2015 йил 15 июль), (рўйхат рақами 2520-3, 2019 йил 30 декабрь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 14 сентябрдаги 79, 336-В, 2015-29-сон «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2716, 2015 йил 29 сентябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2716-1, 2018 йил 7 март).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 февралдаги 16 ва 2019-09-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиш регламентини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3150, 2019 йил 12 апрель).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

22. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссиясининг 2020 йил 25 майдаги 24/1-1111-сон «Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3257, 2020 йил 30 июнь).

2022 йил 10 майда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

